XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI

171400. Xo'jaobodshahar, Uzunko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2022 - yil 31 - dekabr VI-33-125-1-27-K/22 Xo'jaobod tumani hokimligi

2023 йил учун Хўжаобод туманининг маҳаллий

бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-813-сон Қонуни, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "2023 йил учун Андижон вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-45-227-1-0-K/22 сонли қарорига ҳамда Андижон вилояти молия бошқармасининг 2022 йил 2022 йил 30 декабрдаги № 01/01-38/433 сонли хатини инобатга олиб, Бюджет кодексининг 27-, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-813-сон Қонуни, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "2023 йил учун Андижон вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-45-227-1-0-K/22 сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "2023 йил учун Андижон вилоятининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-45-227-1-0-K/22 сонли қарорига мувофиқ Хўжаобод тумани маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 73,501 млрд.сўм, ҳаражатлари 157,805 млрд. сўм прогноз қилинганлиги ҳамда Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 84,304 млрд. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023 йил учун Хўжаобод туманни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий

кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2023 йил учун туман бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил учун туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича туман маҳаллий бюджети билан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Хўжаобод туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2023 йил учун туман бюджетидан маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2023 йил учун туман бюджетининг заҳира жамғармаси ҳажмлари 1,486 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2023 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида (бундан туман бюджетлари жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш маблағлари мустасно) 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Туман бюджетининг ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

9.2023 йилда солиқларнинг қуйидаги турлари:

а) туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўланадиган солиқ, шунингдек якка тартибдаги

тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар;

айланмадан олинадиган солиқ;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар 2022 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра туманлар ва шаҳарлар аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ.

б) Туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари);

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши белгиланган тушумлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

в) туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларигақуйидаги улушларда:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг 50 фоизи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг 50 фоизи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 25 фоизи ўтказилади.

10. Тумант ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Расулов, Молия бўлими (Н.Маматов), Давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев) туман ҳокимлиги масъул бўлими ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар ҳаражатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетлар прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

11. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев)га ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати

тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга ҳарид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

Кадастр палатаси туман бўлими (Ш.Абдураҳмонов) билан биргаликда хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш ҳамда туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг ер участкалари ва мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини таъминласин.

12. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев), Кадастр палатаси туман бўлими (Ш.Абдурахмонов) ва Хўжаобод туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими (М.Обидов) билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллари ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

13. Мажбурий ижро бюроси Хўжаобод туман бўлими (Ф.Қутбиддинов) га туман давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд қарздорликларни бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

14. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими (А.Мадрахимов) жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Туман ҳокимининг ўринбосари (Д.Имолдинов) Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов)га Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (П.Муратов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра туманда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «E-IJRO Auksion» электрон савдо майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

16. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов) туман давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев), туман молия бўлими (Н.Маматов) лар билан биргаликда давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

17. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бўлими (Х.Хамидов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (А.Мусаев)га билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

18. Туман ички ишлар бўлими (Р.Жалолдинов), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (Ш.Қурбонов), Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими (Ж.Тўрабоев) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

19. Давлат молиявий назорати Андижон вилоят бошқармаси туман масъул ходими халқ таълими, мактабгача таълим ва тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчи ва бош иқтисодчилари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар чорак якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилсин.

20. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш ва натижалари бўйича тавсиялар бериш мақсадида мониторинг қилиш;

маҳаллий бюджет ҳаражатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириб борсин.

21. Туман ҳокимлиги:

туман маҳаллий бюджетлари жами ҳаражатларининг (бундан туман бюджети заҳира жамғармаси маблағлари мустасно) 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм режалаштирилиши ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳарид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимликнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

22. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Расулов, халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар бошлиқлари:

маҳаллий бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот

киритиб борсин.

23. Мазкур қарор “Ҳақиқат” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

24. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

25. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси **У.Шукуров**

Xalq deputatlari Xo‘jaobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-33-125-1-27-K/22-son qaroriga
1-ilova

Хўжаобод туман маҳаллий бюджетларининг 2023 йилги асосий даромад кўрсаткичлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг сўмда

№	Даромад тури	Жами
I.	**Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад**	**11 104 250**
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	44 417 000
	ажратма меёри	*25*
1.	маҳаллий бюджетга	11 104 250
	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	13 005 000
	ажратма меёри	
2.	маҳаллий бюджетга	
II.	**Бириктирилган даромадлар**	**43 649 500**
	Туманга бириктирилган	**27 805 000**
1	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	646 000
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 058 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 687 000
4	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	13 665 000
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 612 000
6	Ижара тўловлари	137 000
	Туман бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	**15 844 500**
1	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	17 609 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
2	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 937 000
	ажратма меёри	*50*
	маҳаллий бюджетга	1 968 500
3	Юридик шахслар ер солиғи	10 022 000
	ажратма меёри	*50*
	маҳаллий бюджетга	5 011 000
4	Ягона солиқ тўлови	8 115 000
	ажратма меёри	*100*
	маҳаллий бюджетга	8 115 000
5	Хусийлаштириш	1 500 000
	ажратма меёри	*50*
	маҳаллий бюджетга	750 000
6	Йиғимлар	745 000
	ажратма меёри	
	маҳаллий бюджетга	
	Туман бюджетига	
1	Давлат божлари	
2	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	
3	Жарималар	
4	Бошқалар	
III.	**Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)**	**18 747 340**
	Аҳоли сони (минг киши)	*115*
15.	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 584 260
16.	Мобил алоқага акциз солиғи	3 253 210
17.	Тамаки маҳсулотларига акциз солиғи	7 909 870
	Маълумот учун: 2021 йил параметр	*56 990 450*

	Жами даромадлар	**73 501 090**

ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	**157 805 781**
ТРАНСФЕРТЛАР	**84 304 691**

Xalq deputatlari Xo‘jaobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-33-125-1-27-K/22-son qaroriga
2-ilova

Хўжаобод туман маҳаллий бюджетларининг 2023 йилги асосий харажат кўрсаткичлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг сумда

СОҲАЛАР	2023 йил Бюджет жами
Харажатлар - жами	**157 805 781**
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	**115 175 692**
шу жумладан:	
Маориф	**20 681 661**
- мактабгача таълим	12 672 352
- умумий таълим	8 009 309
- кадрлар тайёрлаш	0
Соғлиқни сақлаш жами	**51 143 707**
соғлиқни сақлаш	51 143 707
тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	0
Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	**5 970 272**
- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 256 748
- спорт	4 713 524
Фан	0
Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	37 361 652
Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»	18 400
Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	0
Ижтимоий кўникма марказлари	0
Иқтисодиётга харажатлар	**14 665 606**
шу жумладан:	
Ички хўжалик автомобиль йўлларни таъмирлаш харажатлари	3 000 000
Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	0
Ободонлаштириш	7 957 650
Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	0
Иссиқлик таъминоти тизими ташкилотлари харажатлари	0
Кўп квартирали уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш харажатлари	0
"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	0
Хўжайли ва Чалиш сув йўли техник участкаси	0
Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	0
Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 497 388
Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	0
Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	0
Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	281 966
Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
Ветеринария қўмитаси	916 379
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	0
Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари	0
Автобус йўналишларининг йиллик субсидиялаш харажатлари	0
Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 012 224
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	**0**
шу жумладан:	
Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	0
Мактабгача таълим ташкилотларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	0
Умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	0
Соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш	0
Мелиорация объектлари	0

Ичимлик суви ва канализация	0
Давлат бошқарув органларини сақлаш	**16 267 704**
шу жумладан:	
Давлат бошқарув идоралари	16 267 704
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	**2 773 643**
Заҳира жамғармаси	**1 486 969**
Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	**7 436 167**
Бошқа харажатлар	**0**
шу жумладан:	
Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	0
Адвокатлар хизмати	0
Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	0
Чет эл кредитларини қоплаш	0
Президент мактабларини қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	0
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**73 501 090,0**
ТРАНСФЕРТ	**84 304 691,3**

Xalq deputatlari Xo‘jaobod tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-33-125-1-27-K/22-son qaroriga
3-ilova

Хўжаобод туман бўйича 2023 йил бюджет параметрлар тўғрисида

Х И С О Б И

минг.сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори
		а Харажатлар миқдори, Жами 157 805 781,3
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**157 805 781,3**
	шаҳар ва туманлар бюджетлари тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	**0,0**
	Давлат ташқи қарзларини сўндириш	**0,0**
	Адвокатлар хизмати	**0,0**
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	**0,0**
	иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	**0,0**
	Тошкент вилоятида лифтларини алмаштириш харажатлари	**0,0**
	Йўл жамғармаси	**0,0**
	Давлат максадли жамгармалар	**0,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1	**Мактабгача таълим бўлими**	**12 672 352,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 672 352,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2	**Халқ таълими бўлими**	**8 009 308,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 009 308,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3	**Президент таълим муассасалари агентлиги**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	**51 143 707,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	51 143 707,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Маданият бўлими**	**1 450 240,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 450 240,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7	**Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси**	**4 713 524,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 713 524,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Туман маънавият ва маърифат маркази**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими**	**7 957 650,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 957 650,0
	иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари	
	Тошкент вилоятида лифтларини алмаштириш харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

11	**Қишлоқ хўжалиги соҳаси**	**624 697,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	624 697,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Ирригация тизимлари ҳавза бўлими**	**1 497 388,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 497 388,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Транспорт бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Молия бўлими**	**1 226 008,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 226 008,0
	Давлат ташқи қарзларини сўндириш	
	Адвокатлар хизмати	
	Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари	
	шаҳар ва туманлар бюджетлари тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	
	Йўл жамғармаси	
	Давлат максадли жамгармалар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Газначилик бўлинмаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Пенсия жамғармасининг ҳудудий маркази**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	**Туризмни ривожлантириш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23	**Ўрмон хўжалик бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**916 378,8**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	916 378,8
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25	**Монополияга қарши курашиш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

27	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари маркази**	**664 321,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	664 321,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29	**Қурилиш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30	**Инвеститциялар ва ташқи савдо бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31	**Адлия бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кискартириш бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33	**Ҳокимият**	**64 768 460,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	56 810 810,0
	шу жумладан:	
	Президент мактабларини қуриш учун жалб этилган қарз маблағларини қайтариш харажатлари	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	**Кабуллар уйи**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35	**Халқ Депутатлари Кенгаши**	**193 684,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	193 684,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими**	**3 401 645,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 401 645,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмаси**	**3 957 037,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 957 037,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
38	**Хотин-қизлар бўлими**	**2 567 030,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 567 030,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
39	**Узбекистон Республикаси Кинематография агентлиги**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
40	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспециясининг ҳудудий бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
41	**Сайлов комиссисиялари**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
42	**Давлат архиви бўлими**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
43	**Бошқа ташкилотлар**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Xo‘jaobod tuman Kengashining
2022 yil 31 dekabrdagi
VI-33-125-1-27-K/22-son qaroriga
4-ilova

2023 йил учун умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлардан шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри*

Фоиз ҳисобида

Т/РТуман номи	Фойда солиғи	Айланма-дан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосида тўланадиган солиқ, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Бензинни, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Йиғим-лар**	Давлат божлари**	Жарима-лар**	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар	Давлат мулкини хусусийлаш-тиришдан олинган даромадлар	Ер участка-ларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари	Давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар	Бошқа (3450603, 3450721, 3450723, 3450725, 3450950, 3450951, 3511117, 3511700, 3710303 доромад кодлари бўйича) тушумлар
1 Хўжаобод тумани	0	100	25	100	100	100	100	100	0	50	50	0	0	0	0	50	50	100	100

*Мазкур иловада кўрсатилганидан ташқари қолган барча тушумлар вилоят бюджетига ўтказилади.

**Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма қилиниши мумкин.